М. ҚАСЕЙ, К. ШОМБЕТОВА,
А. ШАКИРОВА

# МУСИҚА

2

# ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ




# ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ



# ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГИМНИ

*Сўзи: Ж. Садиқов, Ш. Қулуевники*
*Мус.: Н. Давлесов, Қ. Мўлдўбасановники*

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

*Нақарот:* Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колуңда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

*Нақарот:*

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Ыйык сактап, урпактарга берели.

*Нақарот:*

М. ҚАСЕЙ, К. ШАМБЕТОВА, А. ШАКИРОВА

# МУСИҚА

Ўрта мактабларнинг
2-синфи учун дарслик

*Биринчи нашри*

*Қирғизистон Республикасининг*
*Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

«Билим-компьютер», «Зангак-97»
Бишкек - 2012

Республикасы
маданият
министрлиги
№ 9 А. РУДАКИ
орто мектеби
Министерство образования,
науки и культуры
Кыргызской Республики
Средняя школа № 9
А. РУДАКИ
19
№
город Ош

УДК 373.167.1
ББК 85.31 я721
М 89

М 89 **Мусиқа.** Ўрта мактабларнинг 2-синфи учун дарслик. /М. Қасей, К. Шамбетова, А. Шакирова. – Б.: Билим-компьютер, Зангак-97, 2012. – 96 б., ил.

ISBN-978-9967-452-72-5

## Шартли белгилар


– ашула айтиш


– ўқиш


– савол ва топшириқлар


– эслаб қол!

М 4306021800 – 12

**УДК 373.167.1**
**ББК 85.31 я721**

ISBN-978-9967-452-72-5

© ҚР Таълим ва фан вазирлиги, 2012
© Қасей М. в. б., 2012
© «Билим-компьютер», 2012
© «Зангак-97», 2012



***Мусиқа*** *– бу оқар сувнинг шир-шир этган овози,*
***Мусиқа*** *– бу Иссиққўлнинг шариллаган тўлқини,*
***Мусиқа*** *– бу минг оҳангда сайрагани қушларининг,*
***Мусиқа*** *– бу қиш чиллада чийиллаши аёзнинг,*
***Мусиқа*** *– бу шувиллаши дарахтларнинг, шамолнинг.*

Мана болалар, юқоридаги шеърнинг сатрларида айтилгандек, биз мусиқани табиатнинг ҳар хил ҳодисаларидан, ўзгаришларидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Табиатнинг мусиқаси ўзига хое таровати билан янада ёқимлироқ. Табиатнинг ана шундай ажойиб тароватини, мусиқийлигини шоир шеър сатрларида, бастакорлар мафтункор мусиқаларида, рассомлар эса мўйқаламларида бадиий тарзда ифодалашади.





## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Болалар, орангизда ўрмонга ёки тоққа саёҳат қилганлар борми? Агар саёҳатга чиққан бўлсангиз, табиат ҳодисаларини сездингизми? Қулоғингизга нималар эшитилди?

**2.** Юқоридаги расмларга қараб ҳикоя тузинглар.



**Шоир** шеър ёзади.



**Аликул Ўсмўнов** – қирғиз халкининг машҳур шоирларидан бири.



**Рассом** расм чизади.

Таниқли рассом **Ғапар Айтиев** ўзининг рассомчилик устахонасида.

**Бастакор** мусиқа яратади.



Қирғиз халқининг атоқли бастакорларидан бири **Муқаш Абдраев.**

**ЭСЛАБ ҚОЛ!**

***Шоир***
***Рассом***
***Бастакор***



# ЮР МАКТАБГА

Сўзи К. Маликовники. Мусиқаси А. Молдибаевники

Ўртача




Мынакей мектеп ачылды,
Бактынын нуру чачылды.
Дайым бизге берүүгө,
Өнөрдү, билим акылды!

Коңгуроо үнү жаңырды,
Жолдоштор бирге баралы.
Акыл кени табылды,
Алалы тынбай, алалы!

Окууда өнөр күчүбүз,
Атабыз Манас урпагы.
Ата-эненин бактысы,
Агарып аткан таңдагы.



# МУСИҚАНИНГ УЧ АСОСИ: ШЪЕР, РАҚС, МАРШ.



# ҚЎШИҚ

Қўшиқ шоирнинг ёзган шъер сатрларидир. Бу шъер сатрларига бастакор мусиқа басталайди. У куйга солинган шеър, яъни қўшиқ, ашула деб айтилади. Қўшиқ умр бўйи инсонга ҳамроҳ бўлиб келади. Қўшиқлар ҳар хил оҳангларда бўлади. Бири кувноқ, иккинчиси рақсга тортувчи, учинчиси қайғули кабилар. Ана шу хусусиятларига қараб уларнинг тезлиги ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, секин, тез, ўртача сингари.

**Жон Қирғизистон**

Излаганин топган боладай эл шод,
Ўтмишни қилурлар эртак каби ёд.
Эркин эл тўйига айланди ҳаёт,
Бу олий иқболдир, бу туганмас шон
Истиқлол муборак, жон Қирғизистон!

Энди бизни қўллар эр Манас руҳи
Боболар орзусин сирли шукуҳи.
Мудом хилпирасин истиқлол туғи
Яшна, завол кўрма энди ҳеч қачон
Истиқлол муборак, жон Қирғизистон!

*(М. Исмоилов)*

## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Қўшиқ дегани нима?
**2.** Шъерни ким ёзади?
**3.** Қўшиқнинг мусиқасини ким ёзади? Уларни ким деб атаймиз?



# КУЗ

Мана болалар, кузнинг дастлабки ойи сентябрь ҳам кириб келди. Чўққисини қор босган тоғдан салқин шамол эсиб, тонгда шудринг тушади. Дарахтларнинг япроқлари, ер бетидаги ўсимликлар сарғая бошлайди. Мана шундай кўринишларнинг барчаси кузнинг келишидан дарак бериб туради. Бу фасл табиатнинг ўзига хос гўзаллиги билан ажралиб туради.





## Саволлар ва топшириқлар

1. Куз қачон келади?
2. Кузда табиатнинг кўриниши қандай бўлади?
3. Куз ҳақида ҳикоя тузинглар.



# КУЗ КЕЛДИ

Сўзи, мусиқаси М. Касейники.




Күз келди, күз келди,
Күлө карап тез келди.
Күнү бүгүн элиме,
Күз түшүмүн мол берди.
Күз келди, күз келди,
Күз түшүмүн мол берди.

Күз келди, күз келди,
Жыл айланып тез келди.
Күз түшүмү мол болуп,
Жыйып-терүү кез келди.
Күз келди, күз келди,
Күз түшүмүн мол берди.

Күз келди, күз келди,
Күүлөп учуп тез келди.
Күжүрмөндүү дыйканга,
Күз түшүмүн мол берди.
Күз келди, күз келди,
Күз түшүмүн мол берди.





## Мусиқий саводхонлик

Мусиқа овозларининг ёзувдаги белгиси **нота** деб айтилади.

Овозларни нотада белгилаш учун, энг аввало беш чизиқ чизиб оламиз. Улар **нота чизиқлари** деб аталиб, пастдан юқорига қараб саналади.



Ноталар – нота чизиқлари ва чизиқларнинг ўрталарида жойлашади:



Ноталарнинг юқори ўлчамларини тўғри аниқлаб ашула айтиш учун чизиқларнинг бошига **калит** қўйилади. У **скрипка калити** деб айтилади:



### ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Нота***

***Нота чизиқлари***

***Скрипка калити***



# ЖАМАҚ АЙТИШ МУСИҚАДА

**Жамак** шеър, куйга солинган қўшиқ сингари халқ оғзаки ижодининг бир соҳаси ҳисобланади. Жамак қисқа ва ихчам, бадиий ва таъсирчан шеър сатрларини ўз ичига қамраб олади. Улар: **янглишмалар, тез айтишлар, мақол-маталлар, топишмоқлар** кабилардир. Жамакни халқ орасидан чиққан ақлли, доно, сўзга чечанлар, шоирлар чиқаришган. Уларни халқ орасида **«жамакчилар»** деб айтишади.



## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Жамак нима? Нима учун халқ орасида жамак айтишган?

**2.** Жамакни яратганларни ким деб аташган?

**3.** Янглишмалар, топишмоқлар, тез айтишларнинг ўзаро қандай фарқлари бор?



## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Жамакчи***

***Жамак: Янглишмалар***

***Тез айтишлар***

***Мақол-маталлар***

***Топишмоқлар***

# ЯНГЛИШМА ҚЎШИҚ

Халқ сўзи ва мусиқаси.

Тез




Жаңылмачты Жамал айтты,
Жаңылатып Жаңыл айтты.
Жаңылышып калышпашты,
Жаңылбашты, талыкпашты.

Жаңылмачты жаңылашы,
Жаңылашып дагы улашты.
Жалпы баары угуп жатты,
Жаңылмачтан тажабашты.

Таң эртеден жаңылмачты,
Талбай айтты талыкпашты.
Тактап айтты талышпашты,
Таңга чейин жаңылмачты.



## Мусиқа саводхонлиги

Нота беш чизиғининг биринчисига **ми** нотаси ёзилади:



 – **ми** нотасининг қўл ишораси.

**Машқ:**



«Куз келди» қўшиғининг **ми** нотасини топинг. Қўшиқни зарбли асбоблар жўрлигида куйлангиз:






Кыргыз Республикасы
билим, илим жана маданият
министрлиги
№ 9 А. РУДАКИ
орто мектеби
Министерство образования,
науки и культуры
Кыргызской Республики
Средняя школа № 9
А. РУДАКИ
19 ж.
№
город Ош



# РАҚС

Ҳар бир халқнинг ўзининг миллий рақслари бор. Қирғиз халқининг «Талма бий», «Тақ теке бийи» каби қадимги анъанавий рақсларини биламиз. «Талма бийни» ижро этишда аввало бийчи ҳеч қимирламасдан, мандаш тўқиниб ўтирган бўлади. Қўмиз куйи бошланиши билан раққос секин ҳаракатга кела бошлайди. Куй тезлашган сайин ҳаракатларини янада тезлаштириб, ҳар хил рақс турларини ижро этиб, кайтадан дастлабки ҳолатига қайтиб рақсни тугатади.

«Тақ теке бийи» қўғирчок такаларни қўмиз куйининг жўрлигида ўйнатиш орқали ижро этилади. «Тақ теке бийининг» давом этиши «Талма бийга» нисбатан бошдан-оёқ ўртача тезликда ўйналади.

Атоқли бастакорлар Н. Давлесов билан Қ. Мўлдўбасанов болалик чоғлариданоқ қўмизни қўлларини ўйнатиб чертиб куйлашга моҳир бўлишган. Уларнинг бундай маҳоратлари ўз асарларини халқ мусиқаси асосида ёзишларига катта имкониятлар яратган. «Тақ теке» халқ мавзусини улар ҳам қўллаб-қувватлаб, ўз асарларини яратишган. Масалан, Қ. Мўлдўбасанов «Тақ теке бийи» деб номланган фортепиано асарини ёзган. Н. Давлесовнинг бундай асари «Тақ теке» номли симфоник рақс деб аталади.

## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Қирғиз халқининг қадимий анъанавий рақси қандай аталади?

**2.** У қайси мусиқий асбоб жўрлигида амалга оширилади?

**3.** Халқ «Тақ теке бийи» қандай рақс?



## НУРАҚ АДБРАХМАНОВ
## (1947)

*Қирғиз Республикасининг халқ артисти, машҳур қўмизчи, куйчи.*





Сўнгкўл яйлови. Беш яшар Нурақ қўмизини қўлидан тушир-майди. Оллоҳ берган бу истеъдод унга уйқу ҳам бермайди. Айил-да кўзга кўринган қўмизчиларнинг қўмиз чертишини эшитишга шошилади. Қўмиз чертиб элга хизмат қилишни орзу қилган ёш бола, уни яхши ўзлаштириб, ўрганиб олишга интилади. Отаси Аб-драхмандан дастлабки сабоқларни олади. У оддий мусиқа, куй-ларни чертиб, айилда «бола қўмизчи» деган ном олади.

Мактабда ўқиган кезлариданоқ куй-мусиқа ёзишга ҳаракат қилади. Унинг ижрочилик маҳорати кундан-кунга ривожланиб боради. 1962 йилда Республика кўрик-конкурсида қатнашиб, бош совринга эга бўлади. Ўша кунлардан бошлаб Нурақ Аб-драхманов ўзининг бутун умрини қўмизчиликка, куй яратишга бағишлаб келмоқда. Унинг «Сўнг-Кўл наволари», «Ота мероси», «Буюк тоғлар», «Найман она» каби ўнлаб куйлари бор. Бугунги кунга қадар ўзининг ёш шогирдларини тарбиялаб, чиниқтириб келмоқда. Болалар учун «Олтин болалик», «Қулунчак», «Тақ теке» каби куйларни яратган.



## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Нурак Адбрахманов ҳақида сўзлаб бер.

**2.** Машҳур қўмизчининг қандай куйларини биласиз?

**3.** Абдрахмановнинг болалар учун ёзган қандай куйларини биласиз?

## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***«Талма бий» рақси.***

***«Тақ теке бийи» рақси***



**Рақс** – одамнинг ҳаракати билан боғлиқ санъат тури. Рақс, худди қўшиқ каби одамзоднинг ҳаётида унинг маънавий дунёсида катта аҳамиятга эга. У ўзигагина хос бўлган тезлиги ва ўзига тортиши билан фарқланиб туради. Дунё халқларининг ҳар бирининг миллий рақслари бор. Булар «вальс», «полька», «мазурка», «гопак» кабилар. Уларинг ҳаммасининг ўзига хос хусусиятлари бор.

Вена шаҳридан чиққан Иоганн Штраус беш юздан ошиқ вальс, полька, мазурка каби рақс мусиқаларини ёзиб, бутун дунёга машҳур булган.

**Вальс** немис тилида ***айланиш*** деген маънони билдирса, итальян тилида эса ***иккитадан бўлиб айланиб рақсга тушиш*** маъносини билдиради.



**Полька** – чех халқ рақси. Рақс байрам кечаларида ижро этилади. Бу рақсни иккита-иккитадан бўлиб, асосан эркак-аёл жуфтлигида шўх ва тез ўйинга тушиб ижро этишади.



## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Жаҳон халқларининг қандай рақс турларини биласиз?

**2.** Кўплаб рақс мусиқаларини ёзган Веналик қайси бастакорни биласиз?

**3.** Вальс ва полька рақслари қандай бажарилади?

## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Вальс***

***Полька***

***Мазурка***

# НАСИР ДАВЛЕСОВ
# (1929–2011)

*Қирғиз халқининг атодли бастакори ва дирижёри.*





Болалик чоғлариданоқ мусиқага ихлосманд бўлиб ўсган Насир Давлесов Кемин районига қарашли Қорабулақ айилида туғилган. Насир 1944 йилда етти йиллик мактабни битириб, пойтахт шаҳарга келади. У мактабда ўқиб юргандаёқ қўлига қўмиз олиб, қўл ўйнатиб чертишни якши ўзлаштириб олади. Ёш боланинг истеъдодини қадрлаб, уни филармониянинг халқ чолғу асбоблари оркестрига ишга қабул қилишади. Кейинги йили у Муратаали Курўнгкўй ўғли номидаги мусиқа билим юртига ўқишга киради. Билим юртида таниқли дирижёр Р. Мироновичнинг синфида сабоқ олади.

Мусиқа билим юртини муваффақиятли тугаллаган Насир Москвадаги П. И. Чайковский номидаги консерваторияда ўқишни давом эттиради. Насир Давлесов фақат дирижёрлик касбинигина эмас, балки бастакорлик касбини ҳам ўзлаштириб олади. Истеъдодли бастакор болалар учун қўшиқлардан тортиб, кенг кўламдаги мумтоз асарларни ҳам ёзди. Насир Давлесов «Тақ теке» халқ мавзуси билан бир қаторда, чех халқ рақси «Полька» мавзусига ҳам эътибор бериб, болалар учун «Юр полькага рақс тушайлик» номли асарини яратган.





## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Насир Давлесов деган киши ким бўлган?

**2.** Бастакорлар Н. Давлесов билан Қ. Мўлдўбасанов «Тақ теке бийи» куйининг асосида қандай асарларни ёзишган?

**3.** «Тақ теке бийи» халқ куйини бастакорларнинг «Тақ теке бийи» асарлари билан қиёсланг.

**4.** «Юр полькага рақсга тушайлик» кўшиғининг муаллифи ким?



# ЮР ПОЛЬКАГА РАҚСГА ТУШАЙЛИК

Сўзи Ж. Садиқовники — Мусиқаси Н. Давлесовники




Кана достор, кошулгула,
Бийлегендер сабына.
Болгун бачым, карап турба,
Кан жүгүрсүн каныңа.

*Нақарот:* *Жүргүлө, жүргүн достор,*
*Жүргүн достор жабыла.*
*Жүргүлө полька бийин,*
*Бийлейли биз дагы да.*

Полька бийи бир сонун бий,
Чымыратат денени.
Жүргүн достор, кырка тартып,
Тегеренип келели.

*Нақарот:*



### Мусиқа саводхонлиги

Биринчи нота чизиғи билан иккинчи нота чизиғи орасида **фа** нотаси ёзилади:



 – **фа** нотасининг қўл ишораси.

Машқ:



«Жур польканы бийлейли» («Юр полькага рақсга тушайлик») ашуласи **фа** нотасидан бошланиб, **фа** нотасида тугалланади. Ашулани зарбли мусиқа асбоблари жўрлигида куйланглар:






# МАРШ

Маиший турмушда, инсон ҳаётида марш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бизга турли мазмун ва хусусиятдаги маршлар маълум. Масалан, спорт мусобақаларида «Спортсменлар марши», ҳарбий парадларда, намойишларда «Ҳарбий марш», ёшлар учун «Ёш ўспиринлар марши» кабилар. Марш халқ чолғу асбоблари асарларида ҳам учрайди. Бундай асарлардан бири М. Мўлдўқановнинг «Марш куй» номли қўмиз мусиқаси.



## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Марш мусиқаси ҳақида сўзлаб беринг. Марш деган сўз қаердан келиб чиққан?

**2.** Марш мусиқаси қаерда чалинади? Қандай маршларни биласиз?

**3.** Қўшиқ билан рақсга нисбатан маршнинг қандай фарқлари бор?

**Марш** – француз тилида *юриш, қадам босиш* маъноларини билдиради. Демак, бу сўз маъносини мусиқа жўрлигида юриш, қадам босиш деб тушунсак бўлади. Марш ҳарбий парадларда, ҳарбий юришларда, халқ байрамларида, спорт мусобақаларида кўп қўлланилади.



**ЭСЛАБ ҚОЛ!**

***Марш: Юриш, қадам босиш***
***Ҳарбий парад***
***Байрам намойишлари***
***Спорт мусобақалари***
***Тантанали***

**ЖУМАМУДИН ШЕРАЛИЕВ**
**(1915–1994)**



*Атоқли мусиқа басталовчи, бастакор, ҚРнинг Тўқтўғул номидаги Давлат мукофотининг совриндори. ҚРнинг Халқ артисти.*



*Жумамудин Шералиев бутун умрини мусиқага бағишлаган, ҳормай-толмай меҳнат қилган одам булган. Қўмизда қўл ўйнатиб, аккордеонни эркин чалган. Қўшиқларни чўзиб, маромига етказиб куйлаган. У фақат шеърларга мусиқа басталамасдан, ўзи ҳам шеър ёзган. Бундан ташқари Жумамудин ҳикоя, очерк, пьесаларни, мақолаларни ёзган ёзувчи, шоир, драматург, журналист ҳам бўлган.*

*Ж. Шералиев умрининг охиригача Норин область театрида меҳнат қилди. Театрда қўйилган кўп ўйинларга мусиқа ёзган. Машҳур қўшиқчилар Атай, Мусалар билан бирга ишлаган. Унинг 280та қўшиғи қирғиз радиосининг олтин фондига ёзиб қолдирилган. Ж. Шералиевнинг «Эҳ, ёшлар», «Қўшиқлар», «Танланмалар», «Қўшиқдан қўй» деб аталган шеърий тўпламлари нашр этилган. Истеъдодли бастакор болалар учун ҳам кўплаб шеър-қўшиқларни ёзиб қолдирган. Масалан, «Мен замоннинг эркаси», «Мактаб қизи Қалийман», «Бешик қўшиғи», «Шундай бўлгин», «Сенинг даврингъ», «Гуллатамиз турмушни» ва бошқалар.*

# МЕН ЗАМОННИНГ ЭРКАСИ

Сўзи Д. Кененбаевники

Мусиқаси Ж. Шералиевники

Ўртача




Ачып турмуш сырларын,
Айтып чексиз жыргалын.
Салтанаттуу доорума,
Салам көздүн кырларын.
*Мен эркеси замандын,*
*Эркин өсүп бараткан.*

Жаз, жай өтүп, күз болуп,
Акыл жетип күч толуп.
Жылдар жылга саналып,
Курчуп сезим козголуп.
*Мен эркеси замандын,*
*Эркин өсүп бараткан.*

Сырын ачып нечендин,
Турмуш жолун кечермин.
Улуу доордо төрөлсөм,
Уулумун да Мекендин.
*Мен эркеси замандын,*
*Эркин өсүп бараткан.*



## Мусиқа саводхонлиги

Нота чизиқларининг иккинчи чизиғага **соль** нотаси ёзилади. Скрипка калити хам **соль** нотасидан бошланиб ёзилади.:



 – **соль** нотасининг қўл ишораси.

Бу ноталарни қўл ишораларини кўрсатиб куйла:




Машқ:







# ҚЎШИҚ, РАҚС, МАРШ БИЗНИ ҚАЕРГА ЕТАКЛАЙДИ?

Биз мусиқани уйда, мактабда, концерт залларида ва бошқа жойларда эшита оламиз. Қандай мусиқа бўлишидан қатъий назар, майли халқ мусиқаси, опера, балет ёки симфония бўлсин, уларнинг асосини қўшиқ, рақс, марш ташкил қилади.

## Қўшиқ, рақс, марш хусусиятига эга бўлган асарлар халқ мусиқасида

Халқ чолғу асбоблари мусиқасида ҳам буларни кўп учратамиз. Айниқса, улар илгаридан анъанага айланган халқ достонлари куйларида кўп учрайди. Масалан, «Кер-Ўзан» (қўшиққа хос), «Саадақ қоқди» (рақсга хос), «Ғалаба» (маршга хос). Бу куйлар махсус қўшиқ, рақс, марш учун ёзилмаган. Бироқ, биз улардан мусиқийликни, рақсга хосликни, маршга хосликни очиқ-ойдин пайқай оламиз.



## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Ракс, қўшиқ, марш характеридаги халқ куйлари борми?

**2.** «Кер-Ўзан», «Саадақ қоқди», «Ғалаба» куйларининг муаллифлари ким?

**3.** Куйларнинг хусусиятлари қандай?

**4.** Юқорида айтилган куйларнинг хусусиятларини, фарқларини ва ўзаро ўхшашликларини аниқланг.

**Мусиқа луғати:**

***Куй*** *– бу халқ чолғу асбоблари (қўмиз, темир оғиз қўмиз (чанқовуз), қил киёқ, най ва бошқалар) учун ёзилган асарларнинг номи.*

## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Қўшиқ куйи (мусиқаси)***

***Рақс куйи (мусиқаси)***

***Марш куйи (мусиқаси)***





## МУРАТААЛИ КУРЎНГКЎЙ ЎҒЛИ (1860–1949)

*Халқ чолғу асбобларини ижро қилиш ҳунарининг меросчиси.*



Муратаалининг мусиқага бўлган қизиқиши болалигидан бошланган. У қўмизда, чанқовузда (темир оғиз қўмизда), қил қиёқда (ғижжакка ўхшаш чолғу асбобида), найда (чўўрда), сурнай чалишни ўзлаштирган. Муратаали ҳар бир чолғу асбобининг ўзига хос жиҳатларини, тилини, сирини билиб, ўрганиб чалган. Уларнинг таъсирида Муратаалининг истеъдоди борган сайин юксалади. У халқ қўшиқларидан черта бошлаб, кейинчалик ўзи ҳам куй басталашга киришади. Муратаалининг яхши қўмизчилиги болалигиданоқ Чингишбой, Турдихўжа каби қўмизчилар билан чертишган кезларидан бошлаб кўзга ташланади. Уларни енгиб, моҳир қўмизчи сифатида халққа танилади. Ижодий фаолияти ривожланиб, машҳур куйчи, ижрочи сифатида халқ орасида обрўси орта бошлаган, машҳурлиги янада юксалган.



### Саволлар ва топшириқлар

**1.** Муратаали Курўнгкўев ҳақида сўзлаб беринг.

**2.** Муратаали қандай мусиқа асбобларини чалган?

**3.** Муратаали моҳир қўмизчи сифатида халқ орасида қандай таниқли бўлган?



# СЕЛКИНЧЕК

Мусиқаси, сўзи Бурулчаники




Бурулчанын селкинчек,
Буйдалбастан мындай теп.
Бул турмушта кыз-балдар,
Бура тепкин селкинчек.

Асылкандын селкинчек,
Андай теппей мындай теп.
Ал турмушта кыз-балдар,
Аңдап тепкин селкинчек.

Кылымкандын селкинчек,
Кыя теппей мындай теп.
Кызыл жоолук желпиндеп,
Кыздар тепкин селкинчек.





## Мусиқа саводхонлиги

Болалар, сизлар **ми, фа, соль** ноталари билан танишгансизлар, энди **ре** нотаси билан танишамиз. У қуйидагича ёзилади:



 – **ре** нотасининг қўл ишораси.

Машқ:



«Селкинчек» қўшиғини зарбли чолғу асбоблари жўрлигида куйланг:






# ҚЎШИҚ, РАҚС, МАРШНИНГ ОПЕРАДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Қирғиз бастакорлари ҳам кўплаб операларни ёзишган. Масалан, «Манас», «Айчурўк», «Тўқтўғул», «Жамила» ва бошқалар. Биз юқорида айтиб ўтган қўшиқ, рақс, марш мусиқалари операларда ҳам кенг қўлланилган. Машҳур операларимиздан бири «Айчурўк» операсини олсак, ундаги мусиқаларда қўшиқ, рақс, марш хусусиятлари борлигини пайқаймиз. Масалан, 3-пардадаги «Калиманнинг қўшиғи» (қўшиқ), 2-пардадаги Семетейнинг қўшинидаги «Йигитлар рақсини учратамиз (рақс). Марш эса, 3-пардадаги ғалабага эришган халқнинг тантанали маршга хос «Оқсоқол Бақай» деб аталган хоридан пайқалиб туради. Демак, болалар, мусиқанинг асосини ташкил қилган қўшиқ, рақс, маршларни биз операларда ҳам учратишимиз мумкин экан.

«Айчурўк» операси халқимизнинг севимли эпоси «Манас» нинг энг қизиқ бўлимидан олиб ёзилган. Уни бизнинг машҳур бастакорларимиз А. Малдибаев, В. Власов, В. Ферелер ёзишган. Опера дастлаб 1939 ийлда саҳнага қўйилган.

## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Опера нима? Операнинг асосини қандай мусиқа ташкил қилади?

**2.** Операни ким ёзади? «Айчурўк» операсининг мазмуни ҳақида айтиб беринг. Операдан Калиманнинг қўшиғини, Йигитлар рақсини, Оқсоқол Бақай хорини тингланг.

**3.** Хор нима? Хорни кимлар ижро этади?



**Мусиқа луғати:**

***Опера*** *– бу театрлаштирилган мусиқий ўйин (спектакль). Унда ижрочиларнинг ҳатти – ҳаракатлари, ўйиннинг давом этиши бутунлай мусиқа билан жўрликда бўлади. Опера қўшиқчи, ашулачиларнинг, хорнинг ва симфоник оркестрнинг иштирокида бўлиб ўтади.*

***Хор*** *– бу грек тилидан олинган сўз. Мусиқий қўшиқ ижрочилари гуруҳи. Хор ҳар хил тузилишга эга бўлади. Масалан, аёллар хори, эркаклар хори, болалар хори. Шунингдек, хорнинг аралаш гуруҳи тури ҳам мавжуд. Бу гуруҳга аёллар, эркаклар киради. Мусиқа оламида кўпинча аралаш хор ва болалар хори кенг тарқалган.*



**ЭСЛАБ ҚОЛ!**

***Опера***
***Хор***
***Оркестр***
***Дирижёр***

*«Айчурўк» операсидан*

*Қаҳр-ғазабга минган Тўлтўй билан Чинқўжў урушга отланишади. Улар Ақун хоннинг ерига келишиб, унинг оқ саройини қуршовга олишади. Ақун хон анча бурун Манас билан қуда-анда бўлишиб, ойдай сулув ва ақлли, доно қизи Айчурўкни Семетейга бермоқчи бўлган. Чинқўжў Айчурўкни Тўлтўйга беришни талаб қилади. Айчурўк эл-юртини сақлаб қолиш учун Тўлтўйга боришга рози эканлигини билдиради. Лекин тўйга тайёргарлик кўриш учун 40 кун муҳлат беришини сўрайди. Тўлтўй бунга рози бўлади. Бу орада Айчурўк оққушдай бўлиб, Семетейни излаб топиш учун жўнайди. У Таласга бориб, бўлажак ёри Семетейнинг оқ шунқорини олиб қочади. Семетей оқ шунқорини излаб, Ақун хоннинг оқ саройига келиб, Айчурўкка йўлиқади. Уерда Семетей Чинқўжў билан Тўлтўйни енгади. Ақун хон халқни йиғиб, Семетей билан Айчурўкнинг иззат-ҳурмати учун тўй ўтказиб беради.*





# БЕШИК ҚЎШИҒИ

Сўзи Н. Жетикашкаеваники | Мусиқаси С. Медетовники

Нозик, эҳтиросли




Уясында балапан,
Уктап жатат карасаң.
Алдей, алдей бөбөкжан,
Уктай койчу садагаң.
Уктай гой, уктай гой.

Таңкы чолпон бата элек,
Таттуу уйкуң кана элек.
Уктатайын мен термеп,
Уктай койчу жан эрмек.
Уктай гой, уктай гой.



Бат чоңоюп жетилип,
Баатыр жигит дедирип.
Кубандырып атаңды,
Курсант кылгын апаңды
Уктай гой, уктай гой.



## Мусиқа саводхонлиги

Ноталар асосий нота чизиқларидагина эмас, қўшимча нота чизиқларида ва бу чизикчаларнинг ўрталарида ҳам ёзилади. Қўшимча нота чизиқлари асосий нота чизиқларининг паст томонида ва юқори томонида жойлашган:



Нота чизиқларининг паст томонида жойлашган биринчи қўшимча нота чизиқчасига **до** нотаси ёзилади. У биринчи октаванинг **до** нотаси ҳисобланади:



 – **до** нотасининг қўл ишораси.

Машқ:





# ҚЎШИҚ, РАҚС, МАРШ БАЛЕТДА

Қўшиқ, рақс, маршнинг операда учрагани сингари, балет мусиқасида ҳам учратамиз. Қирғиз бастакорлари кўплаб балетларни ёзишган. Улардан бири бастакор Қ. Мўлдўбасанов билан Г. Окунев биргаликда ёзган «Қуйручуқ» балети. Бу балетнинг мусиқийлигини Зейнепнинг монологидан, рақсга хослигини Ёшлар рақсидан, шунингдек, маршга хослигини Сарибойнинг мавзусидан тинглай оламиз.



## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Балет нима? Балетнинг мусиқасига ким рақсга тушади? Балетда қўшиқ айтиладими?

**2.** «Қуйручуқ» балетидан парчалар тингланг.

**3.** Балетдаги рақс, мусиқий қўшиқ ва марш мусиқалари ҳақида сўзлаб беринг.

## *«Қуйручуқ» балетидан*

***Қуйручуқ*** *– эртак ҳам, афсона ҳам эмас. У таниқли қизиқчи, зукко, сўзга чечан, камбағалларга ғамхўрлик қилган ҳақиқий инсон бўлган. Балет унинг хасис, қурумсоқ бойларга қарши қилган хатти-ҳаракатлари асосида ёзилган. Қуйида унинг қисқача мазмуни билан танишинг:*

*Қуйручуқ хушчақчақ, ёқимтой қиз Зейнеп деган қиз билан танишади. Қизнинг отаси уни очкўз, хасис бой Сарибойга эрга беришга розилик беради. Буни эшитган Қуйручуқ хафа бўлади. Кўп ўтмай, Сарибой билан Зейнепнинг тўйи бошланади. Қуйручуқ Зейнепни Сарибой бермаслик чорасини топиб, унинг обрўсини эл орасида тўкиб, кирдикорларини фош қилади. Эл-юрт олдида шарманда бўлган Сарибой қочиб кетади. Охирида халқ йиғилиб, Қуйручуқ билан Зейнепга бахту саодат тилаб, узоқ ва серфайз турмуш қуришларини хоҳлашади.*

**Мусиқа луғати:**

***Балет*** *– театрлаштирилган мусиқий саҳна рақс-ўйини. Бунда ижрочилар воқеа-ҳодисаларни рақс орқали ифодалаб кўрсатишади.*

**ЭСЛАБ ҚОЛ!**

***Балет***

***«Қуйручуқ»***

# ЁРДАМ БЕРДИК

Сўзи М. Жангазиевники

Мусиқаси А. Молдибаевники

Жонли, кўтаринки оҳангда




Жардам бердик,
Алма тердик,
Мектеп алма-багынан,
Жаңгак кагып,
Күнгө жайып,
Койдук дагы жаңыдан.



Жардам бердик,
Жүзүм тердик.
Жийде жыйнап, ойнодук,
Кол кармашып,
Бий бийледик,
Түшүм тоюн тойлодук.



## Мусиқа саводхонлиги

Қуйида иккинчи билан учинчи нотанинг чизиқлари ўртасида жойлашган овоз **ля** нотаси:



 – **ля** нотасининг қўл ишораси.

Машқ:



«Жардам бердик» («Ёрдам бердик») қўшиғини зарбли чолғу асбоблари жўрлигида куйланг:








# МАРШ , РАҚС, ҚЎШИҚ СИМФОНИЯ МУСИҚАСИДА

Жумғол районида Мингқуш айилида ҳар нарсани тез ўзлаштириб оладиган, иқтидорли бола яшаган. У ёш бола чоғиданоқ, қўшиқ айтишга қизиқиб, қўмизни қўл ўйнатиб чертиб чалишни маромига етказади. Унинг мусиқага бўлган муҳаббати кун сайин орта бошлайди. Мусиқачи бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги учун саккизинчи синфни битириб, пойтахт шаҳарга келади. Мусиқа билим юртида ўқиб юрган вақтидаёқ мусиқа ёзишга истеъдоди борлиги билинади. Бу бола Муратбек Бегалиев эди.

Муратбек Бегалиев бугунги кунда халқимизнинг таниқли бастакорларидан бири бўлди. У кўплаб асарларни ёзган. Уларнинг ичида симфоник асарлари ҳам талайгина. Кўзга кўринган асарлоридан бири «Болалик наволари» номли симфоник картина. Бу асарида бастакор болалигиданоқ ўзи ёқтирган, қалбига яқин бўлган халқ қўшиқларининг, қўмиз куйларининг мавзуларидан фойдаланган. Симфоник картинадан биз дилимизга яқин бўлган «Хўп майда», «Ёрамазон», «Оқ-томоқ, кўк-томоқ» ва «Манас» мавзуларини тинглай оламиз. Асарда бастакор ўзининг туғилиб ўсган юртининг бетакрор гўзаллигини ва бахтли болалик чоғларини ифодалаб берган.

## Саволлар ва топшириқлар

1. Истеъдодли ёш болани ким деб аташган?
2. У қайси халқ чолғу асбобини чалган?
3. Унинг қандай асарларини биласиз?



**Мусиқа луғати:**

***Симфония** – бу симфоник оркестр ижро этган кенг кўламли мусиқий асар.*

***Симфоник оркестр** – бу мусиқий асарни ҳар хил мусиқа асбобларида чалган мусиқачи-ижрочилар гуруҳи. Оркестрда торли, вокал, зарбли чолғу асбоблари бўлиб, бир неча гуруҳга бўлинишади. Оркестрлар турли тузилишларда бўлиб, турлича номланади. Масалан, Қорамўлдў Ўрозов номидаги Қирғиз халқ чолғу асбоблари оркестри, А. Жумақматов номидаги Қирғиз ижтимоий радиотелекўрсатувлар корпорациясининг симфоник оркестри кабилар. Оркестрни дирижёр бошқариб, раҳбарлик қилади.*



## Саволлар ва топшириқлар

1. Симфония нима?
2. Симфоник оркестрни қандай тушунасиз?

## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Симфония***

***Симфоник оркестр***



# ТЕРИМЧИЛАР

Сўзи Т. Кўжўмбердиевники | Мусиқаси С. Жумалиевники




Бачым басып тыпылдап, тыпылдап,
Пахта терсек шыпылдап, шыпылдап.
Убакыт да токтобой,
Уча берет зыпылдап ээ-эй!
Уча берет зыпылдап.

Бачым басып тыпылдап, тыпылдап,
Пахта терсек шыпылдап, шыпылдап.
Убакыт да токтобой,
Уча берет зыпылдап ээ-эй!
Уча берет зыпылдап.





## Мусиқа саводхонлиги

**Си** нотаси учинчи нота чизиғинда ёзилади:



 – **си** нотасининг қўл ишораси.

Машқ:



Ўрнингиздан тўриб, қўшиқни «бос» ва «чурқа» сўзлари билан айтамиз:



Ба-чым ба-сып ты-пыл - дап, ты-пыл - дап.
Чур-ка, чур-ка, чур-ка бас, чур-ка бас.



# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!





# БАЛАТЫ

Сўзи З. Александрованики — Мусиқаси М. Красевники




Кичине балаты,
Үшүдү кышта.
Токойдон алышты,
Калтырбай тышка.

Оюнчук, мончоктор,
Илип коождойбуз.
Шаттыкта жаңы жыл,
Шаңдуу тособуз!



**Мусиқа саводхонлиги**

Мусиқада турли чўзилишдаги овозлар бор. Улар узоқ ва қисқа оралиқдаги чўзилишларда бўлади. Масалан, бутун, ярим, чорак, нимчорак. Биз дарсларимизда кўпинча чорак ♩ ва нимчорак ♫ овозларни учратамиз. Бу икки овознинг чўзилишини солиштирсак, чорак овоз нимчорак овозга нисбатан узоқроқ чўзилади.

Қуйида «Балати» қўшиғини нота ритмига яраша сўзларини айтиб, ритмик «бос», «чурқа» сўзлари билан куйланг. Қўшиқнинг ритмига мос рақсга хос хатти-ҳаракатларни бажаринг.




Ки - чи-не ба - ла-ты, ү - шү-дү кыш - та. 𝄽
1 2 1 2 1 2 1 2
Бас, чур-ка, бас, чур-ка, чур-ка, чур-ка, бас.

**ЭСЛАБ ҚОЛ!**

***Мусиқа овозлари:*** ***узоқ чўзилган***
***қисқа чўзилган***
***чорак***
***нимчорак***

# БОШҚОТИРМА




**Энига:**

1. Қўшиқ ёзган киши.
2. Шоирнинг асари.
3. Оғзаки адабиёт намуналаридан бири.

**Бўйига:**

1. Мусиқанинг уч туридан бири.
2. Мусиқа овозлари ёзиладиган белги.
3. Қирғиз халқ қадимги чолғу асбобларининг бири.



# МУСИҚИЙ АСАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Бастакор мусиқа ёзишда секинлик, тезлик, овоз баландликлари, уларнинг ҳосил қилиниши каби мусиқада қўлланиладиган бадиий воситалардан фойдаланади. Бундай мусиқий бадиий воситалар турли хусусиятдаги ва тузилишдаги асарларни яратишга имконият туғдиради. Асарлар мотив (йўналиш)лардан, қайриқ (оҳангдорлик)дан, мусиқага солинган қўшиқлардан яъни оҳангдан иборат бўлади. **Мотив** – қайриқнинг бир бўлаги. **Қайриқ** мустақил бир фикрни ифодалаган бир неча мотивдан иборат бўлган мусиқий асарнинг бир қисми. **Оҳанг** эса бир неча қайриқдан иборат бўлган ва бутун бир фикрни тушунтирган мусиқий асар. Қуйидаги мусиқий асарнинг тузилиши бўйича схемани қаранг:






## Саволлар ва топшириқлар

1. Мусиқий тузилиш деганда нимани тушунасиз?
2. Мотив, қайрикларга изоҳ беринг.
3. Оҳанг қандай қисмлардан иборат бўлади?

## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Мусиқий асарнинг тузилиши:***

***мотив (йўналиш)***

***оҳанг (қайриқ)***

***мусиқийлик (оҳанг)***





# ҚИШ ЧИЛЛАСИ

Мусиқа ва сўзини ёзган М. Касей

Ўртача




Кыш чилдеси кычырап,
Кылыч сунуп ал турат.
Каарын бир чачып кээ күнү,
Кардуу бороон жулкунат (а-ай).
Кардуу борон жулкунат.

Ызгаар аяз чилдеде,
Ышкырып ал булкунат.
Алкынып кетпейт короодо,
Алды-артыңан ургулап (а-ай).
Алды-артыңан ургулап.

Кышкы суугу чилденин,
Кырк күн өтүп басылат.
Ызгаары кайтып аяздын,
Ышкырыгы катылат (а-ай).
Ышкырыгы катылат.

**Мусиқа луғати:**

***Қиш чилласи** – бу декабрь ойининг охиридан бошлаб, феврал ойининг бошигача давом этадиган энг совуқ фасл. Чилла қир кунга чўзилади. Февраль ойининг бошидан бошлаб, чилланинг аёз ли кунлари тугаб, кун узая бошлайди.*

Қўшиқдаги «қиш чилде» (*қиш чилла*), «бороон» *(бўрон)*, «аяз *(аёз)*, «ызгаар» *(изғирин)*, «кырқ кун» *(қирқ кун)* деган сўзларг эътибор бериб, тавсифланг (характеристика беринг).





## Саволлар ва топшириқлар

1. Қиш чилласи нима?
2. Юқоридаги расмга қараб ҳикоя тузинг.
3. Қиш чилласининг расмини чизишга ҳаракат қўлинг.

## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Қиш:*** ***чилла***
***бўрон***
***аёз***
***изғирин***
***қирқ кун***



## Мусиқа саводхонлиги

**До** нотаси учинчи ва тўртинчи нота чизиқларнинг ўртасида ёзилади:



Машқ:



Шундай қилиб, болалар, биз барча ноталар билан танишдик, улар нота чизиқларида навбат билан қуйидагича жойлашади:








# БИР, ИККИ ВА УЧ ҚИСМЛИ ТУЗИЛИШЛАР

Қандай мусиқа бўлмасин, майли қўшиқ, ашула, куй бўлсин, уларнинг тузилишлари ҳар хил бўлади. Кўпинча улар бир, икки, уч қисмлардан иборат бўлади. Агарда, асар оддий, содда бир фикрни тушунтирадиган биргина **обондан** ташкия топса, у **бир қисмли** ҳисобланади. Бир қисмли асарга ўтган чоракда ўрганилган «Балаты», «Киш чилде» номли асарларни киритса бўлади.

Агарда асар иккита оддий **обондан** иборат бўлса ва улар ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турса, у **икки қисмли** асар ҳисобланади. Бунга мисол қилиб, А. Молдибаевнинг «Биздин айыл» номли асарини олишимиз мумкин.







# ЯНГИ ЙИЛ ҚЎШИҒИ

И. Муслим шъери

Мусиқаси Ғ. Қодировники




Совғалар олдик,
Яна бир қучоғ.
*Қорбобомиздан,*
*Димоғимиз чоғ.* — *2 марта*

Келинг, болалар,
Бирга ўйнайлик!
*Янги йилда хўп,*
*Куйлаб қувнайлик.* — *2 марта*

**Уч қисмли** мусиқий асарда биринчи ва учинчи қисми ўхшаш бўлади. Яъни, учинчи қисм биринчи қисмнинг такрорланишидир. Иккинчи қисм эса, биринчи ва учинчи қисмларга нисбатан бошқача хусусиятларда бўлади. Бунга мисол қилиб, «Кўк буудан» халқ куйини олиш мумкин.

## Саволлар ва топшириқлар

1. Бир қисмли мусиқий асарлар қандай бўлади?
2. Икки қисмли мусиқий асар тўзилиши қандай?
3. Уч қисмли мусиқий асарнинг тузилиши – чи.

## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Мусиқий асар тузилиши: Бир қисмли***
***Икки қисмли***
***Уч қисмли***





***Кўк буудан***

*Қадим ўтган бир замонда бир камбағал бечоранинг Кўкчўлоқ деган оти бўлган экан. Кунлардан бир куни бир бойнинг оши бўлади деб чавандозлар отларини тоблаб мусобақади от чопишга тайёрлай бошлашади. Камбағал ҳам Кўкчўлоқ отини яхшилаб тоблаб, боқиб, пойгага тайёрлайди. Шундай қилиб, мўлжалланган ош бериш куни ҳам келиб қолади. Ошда пойга бошланади. Қуйруғи, ёли хунук бўлиб, тулаб турган камбағалнинг отини кўрган бойлар уни масхаралаб, устидан кулишади. Пойгада Кўкчўлоқ биринчи бўлиб етиб келади ва совриндор бўлади. Шунда камбағалнинг қувончи ичига сиғмай, Кўкчўлоқни «Кўк буудан» деб атаб, қўмизини қўлига олиб куй чертган экан.*





**АБДИЛАС МОЛДИБАЕВ**
**(1906–1978)**

*Қирғиз профессионал мусиқасининг асосчиси, болаларнинг севимли бастакори ва қўшиқчиси*



Бастакорнинг болалик чоғи Кемин районундаги Қорабулоқ ойилида ўтган. Бўлажак ёш чоғиданоқ халқ қўшиқ, куйларни кўп тинглаб, бир нечтасини ўзи айтиб, ижро этиб, ёдлаб ҳам олган. У Москва Давлат консерваториясидаги Қирғиз студиясида билим олган. У истеъдодли қўшиқчи ҳам бўлган. А. Молдибаев бир қанча қўшиқларни, хорларни, умуман, қирғиз мусиқасини дунёга танитган бастакордир. «Айчурўк», «Манас», «Патриотлар», «Кўл бўйида» деб аталган операларни (бастакорлар В. Власов, В. Ферелар билан ҳамкорликда) яратган. Бастакор болалар учун «Мана бундай қилиб», «Юр мактабга», Боғ яратайлик», «Кукук» каби ўнлаб мусиқий қўшиқларини ёзган. Бу қўшиқлари бугунги кунда ҳам болаларнинг қўшиқлар рўйхатидан тушмай келмоқда.



## Саволлар ва топшириқлар

1. Абдилас Молдибаев ҳақида сўзланг?
2. Молдибаев қандай асарлар ёзган?
3. «Қишда» қўшиғига тавсиф (характеристика) беринг.



# ҚИШДА

Сўзи А. Тўқўмбаевники

Мусиқаси А. Молдибаевники




Мына, мына аппак кар,
Аппак карда алтын бар.
Жазда тердеп эришет,
Жерге жашын төгүшөт.

Келе берсин аппак кар,
Муз тебели курдаштар.
Аппак даки – аппак кар,
Ак кар сенде алтын бар!

Жер өстүрөт эгинди,
Эгин өнүш тегинби?
Учуп түшкөн аппак кар,
Ак кар сенде алтын бар.



# КУПЛЕТ ТУЗИЛИШИ

Мусиқий асарларнинг юқорида айтиб ўтилган тузилишларидан ташқари **куплет, рондо, вариация** каби тузилишлари ғам учрайди. Куплет тузилиши – бу биринчи куплетнинг мусиқаси ҳеч ўзгаришсиз бошқа куплетларда ҳам такрорланиши демакдир. Қўшиқнинг сўзлари эса ҳар бир куплетда ўзгариб туради. Куплет тузилиши шеърда бўлади. Шеърга мусиқа ёзилса, у обонга солинган бўлади, яъни мусиқий қўшиқ бўлади. Ўтган дарсларда ўрганилган «Балаты», «Қиш чилла» каби кушиқлар куплетли тузилишдаги асарларга киради. Баъзи қўшиқларнинг **нақароти** бўлади. Уларда нақарот ҳар бир куплетдан кейин такрорланиб туради. Масалан, «Яхши ўқувчи бўламан» қўшиғини айтишимиз мумкин.

## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Куплет тузилиши қандай бўлади?

**2.** Бир қисмли, икки қисмли ва уч қисмли асарлар билан куплет тузилишининг фарқи қанақа?

**3.** Нақарот ҳақида тушунчаларингизни айтиб беринг.

## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Куплет тузилиши***

***Нақарот***





# БАҲОР КЕЛГАНДА

Сўзи Ж. Ўрўзбекованики Мусиқаси Ж. Қасимбековники




Аппак карлуу кыш кетип,
Байчечекей жайнады.
Чабалекей асманда,
Кубангандан айланды.

*Нақарот:* *Жаз келгенде жадырап,*
*Бак-дарактар бүр ачты.*
*Бакчадагы өрүктөр,*
*Гүлүн ачып жайнады.*

Эрте туруп дайыма,
Гүлбакчага барамын.
Татынакай гүлдөрдү,
Суудан куюп багамын.

*Нақарот:*



*Рондо нима?*

**Рондо** – асарларда кенг учрайдиган тузилишлардан иборат.

**Рондо** – бу асарнинг **рефрен (А)** (деб аталган асосий мавзуси бир неча марта (уч мартадан кам эмас) такрорланиб, бу такрорларнинг ўртасида, бошқа хусусиятдаги, ритмдаги **«эпизод» (В, С)** деб аталган мустақил қисмлар чалинади. Демак, рондонинг тузилиши: **А, В, А, С, А**. Масалан, В. А. Моцартнинг «Турк марши» («Рондо») асарини олсак бўлади.

**«Турк марши»** – В. А. Моцартнинг кўзга кўринган, диққатга сазовор бўлган асарларидан биридир. Европада ўша даврда янги мусиқий зарбли асбоб пайдо бўлди. У катта барабан деб аталган. Чолғу асбоби ўша даврда туркий халқлардан борган добулбас (довул)га ўхшаш зарбли асбоб эди. Бастакор ўзининг «Турк марши» номли асарида ўша асбобнинг овозининг эшитилишини ифодалаган. Эътибор бериб, асарни эшитиб кўрсак, унда барабаннинг овози ифодаланганлигини эшита оламиз. Асарда тез ижродаги ритмийлик, мусиқийлик каби бадиий воситалар берилган.



**ЭСЛАБ ҚОЛ!**

*Рондо: рефрен*

*эпизод*

## ВОЛЬФГАНГ АМАДЕЙ МОЦАРТ (1756–1791)



*Австриялик гениал бастакор. Оллоҳ берган етук истеъдоди билан унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти равнақ топган.*



Вольфгангнинг мусиқага бўлган иштиёқи уч ёшидан бошланган. У опаси Анна-Мариянинг клавесинда чалган кичкина асарларини ўша пайтдаёқ эсида сақлаб, уни такрорлаб қайтадан чалиб берган. Тўрт ёшидан бошлаб клавесин учун кичкина пьесаларни чиқаришга ҳаракат қилади. Лаёқатли Вольфганг олти ёшидаёқ катта маҳорат талаб қилган бир қатор мураккаб асарларни чала бошлайди. Боласининг истеъдоди кундан-кунга ўсиб бораётганини отаси Леопольд сезиб қолади. У ёш Вольфгангнинг ижрочилик маҳоратининг ривожлангалигини кўриб, концерт саёҳати уюштиришга қарор қилади. Европанинг Париж, Лондон, Амстердам, Гаага, Женева каби катта-катта шаҳарларини кезиб, концерт беришади. Ёш Вольфганг ўзининг туғаса истеъдоди, ижрочилик маҳорати билан тингловчиларни лол қолдиради. Борган сари унинг ижоди гуллаб-яшнаб, 19 опера, 50 симфония, Реквием, 38 чолғу асбоблари концерти, 36 квартет ва квинтет (торли асбоблар учун), 60 соната, фантазия, вариация, рондо менуэтларни, қўшиқларни ёзган.

### Саволлар ва топшириқлар

**1.** Рондо дегани нима экан?

**2.** Бастакор Моцарт нима Рондо асарини «Турк марши» деб атаган?

***Вариация нима?***

Мусиқий асардаги асосий обон, яъни мусиқийлик (мавзу), бир неча марта ўзгариб, бошқача хусусиятларда турланиб такрорланса, уни биз **вариация** деймиз. Бошқача айтганда, мусиқийлик ўзининг ривожланиш йўлида бир неча ўзгариш билан ёки янгича тузилиш билан такрорланади: дастлаб мавзу берилади. Ундан кейин у мавзунинг асосида хусусиятлари, тезлиги жиҳатидан ўзгарилган оҳангларда тузилган биринчи, иккинчи ва учинчи обон (мусиқий оҳанг)лар берилади.

***Вариациянинг тузилиши: мавзу***
***вариация I***
***варияция II***
***варияция III***

Вариация тузилишига атоқли бастакорлар кўплаб асарларни яратишган. Уларнинг ичида атоқли бастакор М. И. Глинканинг «Камаринская» асари кўпчиликка маълум.

## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Вариация нима?

**2.** Вариациянинг тузилиши қандай бўлади?

**3.** «Камаринская» асарининг тузилишини айтиб беринг.



# МУСИҚА ТИЛИ

Одам боласининг сўзловчи тили сингари мусиқанинг сўзловчи тили бор. У одамнинг эмоционал ички ҳиссиётларини ифодаловчи воситадир. Мусиқий товушлар ҳар хил ҳолатларда бўлади.

Мусиқа тилида овозларнинг ҳар хил ҳолатлари қисқа ва узоққа чўзилиши, кучли ва кучсиз урғу, ритм, темп, динамика, тембр каби воситалари қўлланилади. Бу мусиқий бадиий воситалар инсоннинг ички ҳис-туйғуларини ифодялашда, табиат ҳодисаларини кўрсатишда катта ёрдам беради. У шунингдек, қўшиқ, ашула айтганда ҳам, унинг бадиий-эстетик ва қулоққа ёқимли чиқишида ҳам туртки бўлади, ўз таъсирини тегизади. Масалан, «Бешик қўшиғи» («Алла») секин, мусиқий, оҳиста, чўзиб айтилади:

Алдей, алдей бөбөгүм,
Арка сүрөө жөлөгүм
Кандуу күндө көтөрүп,
Майрам күндө төрөдүм.

Алдей, алдей бөбөгүм,
Апакеңди кыйнаба.
Эжекең жүрөт мектепте,
Атакең жүрөт кырманда

## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Мусиқа тили деганини қандай тушунасиз?

**2.** Овоз ҳолатларида қандай воситалар қўлланилади?

**3.** «Бешик қўшиғи («Алла») қандай хусусиятга эга? У одамга қандай таъсир қилади?



Манас айтишда ҳам мусиқий тил жуда таъсирли чиқади. Айниқса, Саяқбай Қаралаев «Кўкўтўйнинг оши», «Қаникейнинг Тайтўруни чопиши», «Катта ғазавот» каби бўлимларини айтганда, унинг мусиқийлиги турланиб берилиши жуда таъсирли кўрсатилади.



**САЯҚБАЙ ҚАРАЛАЕВ**
**(1894–1971)**

*XX асрнинг машҳур манасчиси*

Машҳур манасчининг эпосга бўлган зўр қизиқиши, меҳри-муҳаббати, уни айтишга бўлган лаёқати, истеъдоди эрта бошланган. Унинг қобилиятига бувиси Декишнинг айтган ҳар хил қизиқарли эртаклари қаттиқ таъсир қилади. Бўлажак манасчи энг даставвал бувисидан «Манас» ва «Эр Тўштук» эпосларидан парчалар тинглайди. Вақт ўтган сайин, манасчининг зеҳни ўсиб, афсоналардан айтиб, халқ қўшиқларидан, достонлардан айта бошлайди. Лекин Саяқбай эпик қўшиқларни, айниқса, «Манас» учлигини (трилогиясини) айтишга жуда-жуда қизиқар эди.

## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Саяқбай Қаралаев ким?

**2.** Манасчилар кимлар? Манас айтишнинг таъсирчанлиги қандай?

**3.** Эпос дегани нима? Учлик (трилогия)ни қандай тушунасиз?

***Буюк эпос***

*Дунёда «Манас» эпосига тенг келган асар йўқ. Машҳур манасчилар эпосни анъана сифатида айтиб, давом эттириб, кейинги авлодларга қолдириб келишган. Бугунги кунда «Манас» эпосининг трилогиясини («Манас», «Семетей», «Сейтек») тўлиқ айтиб қолдирганлардан бири XX асрнинг машҳур манасчиси Саяқбай Қаралаев бўлди. У ярим миллиондан ошиқ қатордан иборат.*



**ЭСЛАБ ҚОЛ!**

***Интонация:*** ***Манас***
***Манасчи***
***Трилогия***
***Эпос***



# КУЧЛИ БЎЛИБ ЎСАМАН

Сўзи А. Қидировники

Мусиқаси С. Ўсмўновники




Демим ичтен чыгарып,
Коём андан кубанып,
Булчуңдарым күн санап,
Барат улам чыңалып.

Улам артып желигүү,
Болбойт менде демигүү.
Таш көтөрүп бир колдоп,
Жасап кирем көнүгүү.



Калбайм эми арманда,
Түшө берем балбанга.
Капшый кармап каруудан,
Жарайм торой чалганга.



Мусиқа тилининг таъсирчанлиги шунга ўхшаш халқ чолғу асбобларида ҳам ҳар хил ҳолатларда берилади. Масалан, «Мош бўтўй», «Кўйрўнг куй», «Бўз салкин», «Қара ўзгўй», «Паровоз» каби кўплаб куйлардан уларни пайқай оласиз.

## ИБИРАЙ ТУМАНОВ
## (1888–1967)



*Қўмиз мусиқасининг буюк ижодкори*

Халқ бастакори Ибирай Туман ўғлининг куйларини бутун эл ёқтириб тинглайди. Уни биз «қўмиз мусиқасининг буюк ижодкори» деб айтамиз. Унинг куйларидан биз кўкрагимиз тўлган қувончни ҳам, қалбимиз севган бадиий-эстетик гўзалликни ҳам топиб, жонга дармон ажойиб оҳангларни тинглаб, чексиз роҳат оламиз. Унинг қўмизчилик маҳорати кун сайин ўсиб борди. У қўмиз учун «Бўз салқин», «Паравоз», «Иссиққўл», «Ғалаба» каби кўплаб куйларни яратган. Куйларининг аксарияти қандайдир бир бўлиб ўтган воқеани ёки бўлмаса, табиатнинг гўзаллигини ифодалайди. Масалан, «Паровоз» куйида паровознинг дадил ўрнидан жилиб, ўз йўлига сафар тортиб, борган сайин тезлигини ошириб, қайтадан яна секинлаб, мўлжаллаган ерига тўхташини аниқ, моҳирона тасвирлаб беради.



## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Овоз хусусиятлари: ёқимлилик***
***тезлик***
***тембр***
***овоз кучи***
***овоз баландлиги***

## Саволлар ва топшириқлар

**1.** И. Туманов ким? Халқ орасида нима сабабдан уни мусиқанинг буюк ижодкори дейишади?

**2.** Бастакорнинг қандай куйларини биласизлар?

**3.** «Паровоз» куйини тавсифланг.

# ОНАЛАРИМИЗ БАЙРАМИ

Февраль ойи тугаб, тоғ этакларида адирларда, қиш бўйи кўринмай ётган бойчечакнинг томири жонлана бошлайди. Қор остидан суғрилиб чиқиб, бўй чўза бошлайди. Кўп ўтмай барг ёзиб, ғунчалаб, гуллаб атрофга тароват бағишлайди.

Халқимизда йил бўйи ўтказиладиган байрамларнинг ичида 8-Март бошқа байрамларга қараганда ўзгачаланиб туради. Чунки, бу байрам баҳорнинг энг биринчи гули – бойчечакнинг қийғос очилиб, гуллаган маҳалига тўғри келади. Шу билан бирга бу байрам боғларда ва далаларда турли-туман дарахтларнинг куртак очиб, баҳор гуллари очилиб, ҳид таратиб, табиат ям-яшил тусга кирган бир вақтга тўғри келади.



## Саволлар ва топшириқлар

1. Баҳор байрамларига қайси байрамлар киради?
2. Оналаримиз байрами қайси вақтга тўғри келади?
3. 8-Март байрами ҳақида сўзлаб беринг.



**ЭСЛАБ ҚОЛ!**

***Баҳор: бойчечак***
***8-Март***
***гулдаста***





# ОНАЖОНИМ БАЙРАМИ

Мусиқаси, сўзи С. Қинатовники




Сегизинчи март күнү,
Неге көңүл жайдары.
Ал анткени ушул күн,
Апакемдин майрамы.

*Нақарот:* *Апакемдин, чоң энемдин,*
*Эжекемдин майрамы*

Жаз баштаган март айы,
Күн да жылуу жайнады.
Ал анткени ушул күн,
Апакемдин майрамы.

*Нақарот:*

Апакеме окшогон,
Баары сулуу айлана.
Ал анткени ушул күн,
Апакемдин майрамы.

*Нақарот:*



# НАВРЎЗ БАЙРАМИ

Дўстлар, биз оналаримиз байрамидан кейин, бутун мусулмон элининг Наврўз байрамини ўтказамиз. Наврўз байрами элимизда 2000 йилдан ошиқ вақт давомида байрам қилиниб келаётганлиги ҳаммамизга маълум. Бу байрам халқимизда Янги йил сифатида байрам қилинади. Бунинг сабаби қиш бўйи ухлаган жониворлар, ҳашаротлар, ўсимликар баҳор келиши билан уйғонишиб, ўз ҳаётларини давом эттиришга киришади.

Ўсимликлар янгидан куртак чиқариб янгиланишади. Шу сабабли қадимдан бу кун одамлар оқ ният билан янги йилда яхшиликлар бўлиб, тилакларимиз қабул бўлсин деб, дастурхонга гўжа, сумалак (ҳалим, кўк чучвара, кўк сомса) каби турли ва хилма хил озиқ-овқатларни тортиб байрам қилишган.





## Саволлар ва топшириқлар

**1.** «Наврўз» байрами қандай байрам? У байрамни кимлар байрам қиладилар? «Наврўз» байрамини нима учун Янги йил байрами дейишади?

**2.** «Наврўз» байрами ҳақидаги шеър ва қўшиқларни ўқинглар. Расмлар бўйича фикрингизни айтинг.

## ЭСЛАБ ҚОЛ!

**Баҳор байрами:** ***«Наврўз» байрами – Янги йил***

***Гўжа***

***Сумалак***





# КЕЛ НАВРЎЗИМ!

Мусиқаси , сўзи М. Қасейники




Кел, Ноорузум келе бер,
Жарык маанай жазда кел!
Кучак жайып тособуз,
Кубанычтуу айым кел!

Жыл айланып күтөбүз,
Жышааналуу айым кел!
Жалпы элим каалаган,
Жакшы тилек ала кел!

Бакыт, таалай каалайбыз,
Бакубат күн бере бер!
Толкунданып тособуз,
Токтолбостон келе бер!

# МУСИҚАНИНГ БАДИИЙ ВОСИТАЛАРИ



## ОБОН (МУСИҚИЙЛИК) – МУСИҚАНИНГ ЖОНИ

Обон (мусиқийлик) – қандайдир бир фикрни ўзида мужассамлаштирган мусиқа оҳанги демакдир. Яхшилаб диққат қилиб эшитсак, қушларнинг сайраши ҳам, дарахтларнинг шитирлаши ҳам, оқар сувнинг шариллаши ҳам ўзига хос мусиқийлик касб этади. Буларни қуйидаги расмлардан пайқай оласизми?

Обон шоирнинг шеърий сатрларига ҳам ёзилади. Уларни биз мусиқа басталанган шеър, қўшиқ деб атаймиз. Обон яратган одамни бастакор, обончи деймиз. Мусиқий асбоблар эса (қўмиз, қил қиёқ чўўр, темир оғиз қўмиз ва бошқалар) учун ёзилган обонлар (басталанган мусиқалар) обон куйлар ёки мусиқалар деб аталади.



## Мусиқа саводхонлиги

Обон (мусиқийлик) ёки қайрик (оҳангдорлик) ҳар хил чўзиқликдаги ноталардан ташкил топади. Улар узоқ ёки жуда қисқа чўзиқликларда бўлади. Бундай овозларнинг навбатма-навбат жойланиши ҳар хил ёқимли лавҳаларни тузади. Бу лавҳалар мусиқий асарларнинг **«ирғағи»** («ритми») деб аталади. Бошқача айтсак, **ирғақ** – бу овозларнинг чўзиқлигининг навбатма-навбат аниқ тартиби бўйича ўз аро алоқасидаги боғлиқлиги. Демак, ёқимлилик лавҳалари ёки парчалари (ритмик ифода) мусиқада қўлланилувчи бадиий воситалардан биридир.

Ритмик ифоданинг ҳар хил тури бўлади. Улар мусиқий асарлардаги тимсолларни (образларни) очиқ кўрсатиб, хусусиятини ойдинлаштиради. Нота ёзилмасини ўқишда енгил бўлиш учун, ритмик гуруҳларга бирикишади:



### Саволлар ва топшириқлар

**1.** Обон нима? Обонсиз мусиқа бўладими? Темир оғиз қўмизда «обон куй»ни тинглангиз.

**2.** Расмдан нимани пайқадингиз? Ундан обоннинг хусусиятини топа оласизми?

**3.** Обонни ёки обон куйларни ким чиқаради? Уларни ким деб атаймиз? Обон куй деганни қандай тушунасиз?

**4.** Ирғақ дегани нима? Ритмик ифодаларни қандай тушунасиз?



# БАҲОР ФАСЛИ КЕЛДИ

Сўзи Б. Сарнўғўевники — Мусиқаси Т. Чўқиевники




Кыш кеткенде жаз чыгат,
Жаз алдында ким турат?
Көз айнегин жара тээп,
Булак оргуп булкунат.
Калың кара чыйырчык,
Учуп келет чуркурап.

Кыш кеткенде жаз чыгат,
Жазды тосуп жер турат.
Тракторун оталтып,
Тракторчу булкунат.
Жерди көркко келтирген,
Бүт эмгекчил эл турат.



# ОВОЗ БЎЁҚЛАРИ

Қўшиқларни ўрганишда ёки мусиқий асарни тинглашда ҳар турли воситалардан фойдаланилади. Улар баъзан қаттиқ, кучли бўлса, баъзида секин аста, оҳиста, гоҳида тезлатилса, гоҳида секинлатилган бўлади. Масалан, ***пиано (р) – секин, форте – қаттиқ*** деган маънони билдиради. Бундай белгиларни ***мусиқада қўлланилувчи бадиий воситалар,*** яъни, ***динамик белгилар*** деймиз. Бу белгилар ноталарнинг олдига қўйиш билан белгиланади. Жуда паст чиққан мусиқа овози ***пианиссимо (ррр)*** деймиз. Ўта кучли, қаттиқ чиққан мусиқий овозни ***фортиссимо (fff)*** деймиз.

Жуда секин чиққан мусиқа овози борган сайин кучайтирилиб, уни жуда қаттиқ чиқишигача етказилади. Мусиқада бу **крешендо** деб аталади:




Ўша энг қаттиқ чиққан мусиқа овозини секин асталик билан жуда оҳиста, секин чиққан овозга айлантириб, бурунги ҳолатига қайтариш ***деминуэндо*** – дейилади:




## Саволлар ва топшириқлар

1. Овоз бўёқлари деганда нимани тушунасиз?
2. Улар овозларнинг ҳолатлари билан боғлиқми?
3. Овоз ҳолатлари қандай аталади?



# БИРГА КУЙЛАЙЛИК

Н. Орифжонов шеъри

Мусиқаси Х. Изомовники




Қадрдонлар учрашиб,
Куйлайлик тўлиб тошиб
Қўшиқлардан ошсин
Кел бу сафга эй қардош.
Кел қардош, кел қардош
Тинчликни севди мард ёш





# ТЕМБР БЎЁҚЛАРИ

Қирғиз халқ чолғу асбоблари қадимги мусиқий асбоблар ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос бетакрор, асрлар бўйи ўзининг бадиий-эстетик хусусиятларини йўқотмай сақланиб келган овозлари бор. Бу овозларни биз асбобларнинг **тембри** деймиз. **Тембр** – мусиқа асбобининг овозига тегишли бўлган ўзига хос **«бўёқ».**

Асбобларнинг тембрининг хусусияти уларнинг катта-кичиклигига, овозининг кучли, қувватлилигига, овознинг паст-баландлик ўлчовларига боғлиқ бўлади. Масалан, қўмизнинг овози жарангдор, турли-туман, ранг-баранг бўлади, сивизғанинг овози очиқ, енгил чиқади. «Саринжи-Бўкўй» (қўмизда), «Бектош» (сивизғада).



Қўмиз



Сивизғи

Қил қиёқ, чўўрларнинг овози тўла, жарангдор келиб, одам сўзлагандай чиқади. Темир оғиз қўмиз билан чўпў чўўр асбобларининг овозлари нозик, кўнгилга ёқимли чиқади. С. Бекмуратовнинг «Тизгин куй» (қил қиёқ), «Қўйчиларнинг жарангдор куйи» (чўўрда), «Қорача тўрғай (темир оғиз қўмизда) куйларини тинглаш билан уларнинг тембрларини ажратиб билиб оламиз.



Қил қиёқ
(ғижжак)



Чўўр



Чўпў чўўр



Оғиз қўмиз

Сурнайнинг товуши жуда кескин турда ингичка ва қаттиқ чиқса, мис карнайнинг товуши кучли, йўғон эшитилади. Мунгуз (шох) карнайнинг овози мис карнайга нисбатан юмшоқ, ёқимли эшитилади. Асанбойнинг «Сурнай куйи» (сурнай), Р. Жумақунов «Той» (карнай).



Сурнай



Мис карнайлар



Мунгуз (шох) карнай

Добулбас, қўнғироқларнинг ўзига хос сеҳрли, эртаклардагидай товушлари бор. Бу асбобларнинг тембр-бўёқларини Р. Жумакуновнинг «Шаман бийи» асаридан очиқ-ойдин эшита оламиз.



Добулбас



Ҳасса-таёқ

## ЭСЛАБ ҚОЛ!

***Мусиқа асбоблари***

***Тембр бўёғи: жарангдор***

***очиқ***

***нозик***

***енгил***

***кучли***

## Саволлар ва топшириқлар

**1.** Тембр нима?

**2.** Тембрнинг қандай турлари бор?

**3.** Халқ чолғу асбобларининг (қўмиз, қил қиёқ, чўўр, сурнай, карнай ва бошқаларнинг) тембрлари ҳақида айтиб беринг.



# АЙЛАНАЙИН, БЕПОЁН ЮРТИМ

Сўзи А. Рискуловники

Мусиқаси А. Жеенбайники




Турмуш өзү ушундай,
Алга жүргүч эме экен.
Алпештеген дилибиз,
Айланайын кең Мекен!

*Нақарот:*
*Ай, кең Мекен, кең Мекен,*
*Ай, кең Мекен, кең Мекен,*
*Айланайын кең Мекен!*

Өмүр өзү ушундай,
Өрөпкүгөн эме экен.
Элесимде турасың,
Жылдызданып кең Мекен!

*Нақарот:*



# БОШҚОТИРМА




**Энига**

1. Қиш фаслидаги энг совуқ кунлар.
2. Мусика ёки куйнинг бир қисми.
3. Халқ оғзаки ижодидаги маиший турмушни ифодалаган кенг кўламли асар.

**Бўйига:**

1. Мусикий асарнинг асосий мавзуси бир неча марта такрорланиб, бошқа қисмлари турли оҳангларда янгиланиши.
2. «Манас» эпосининг уч қисмининг аталиши.
3. Халқ чолғу асбоблари учун ёзилган асарнинг номи.

# МУНДАРИЖА


Аликул Ўсмўнов ........ 6
Ғапар Айтиев ........ 6
Мукаш Абдраев ........ 7
Юр мактабга ........ 8
Мусиқанинг уч асоси: қўшиқ, ракс, марш ........ 9
Қўшиқ ........ 10
Куз ........ 11
Куз келди ........ 12
Жамак айтиш мусиқада ........ 14
Янглишма қўшиқ ........ 16
Мусиқа саводхонлиги. Ми нотаси ........ 17
Ракс ........ 18
Нурақ Абдрахманов ........ 19
Насир Давлесов ........ 23
Юр полькага рақсга тушайлик ........ 25
Мусиқа саводхонлиги. Фа нотаси ........ 26
Марш ........ 27
Жумамудин Шералиев ........ 29
Мен замоннинг эркаси ........ 30
Мусиқа саводхонлиги. Соль нотаси ........ 31
Қўшиқ, ракс, марш бизни қаерга етаклайди? ........ 32
Муратаали Курўнгкўй ўғли ........ 34
Селкинчек ........ 35
Мусиқа саводхонлиги. Ре нотаси ........ 36
Қўшиқ, ракс, маршнинг операда қўлланилиши ........ 37
Айчурўк операсидан ........ 39
Бешик қўшиғи ........ 40
Мусиқа саводхонлиги. До нотаси ........ 41
Қўшиқ, ракс, марш балетда ........ 42
Қуйручуқ балетидан ........ 43
Ёрдам бердик ........ 44

Мусиқа саводхонлиги. Ля нотаси ........................................ 45
Марш, ракс, қўшиқ симфония мусиқасида ........................................ 46
Теримчилар ........................................ 48
Мусиқа саводхонлиги. Си нотаси ........................................ 49
Балати ........................................ 51
Бошқотирма ........................................ 53
Мусиқий асар тузилиши ........................................ 54
Мусиқа саводхонлиги. До нотаси ........................................ 56
Қиш чилласи ........................................ 59
Бир, икки ва уч қисмли тузилишлар ........................................ 60
Кўк буудан ........................................ 63
Абдилас Молдибаев ........................................ 64
Қишда ........................................ 65
Куплет тузилиши ........................................ 66
Баҳор келганда ........................................ 67
Рондо нима? ........................................ 68
Вольфганг Амадей Моцарт ........................................ 69
Вариация нима? ........................................ 70
Мусиқа тили ........................................ 71
Саяқбай Қаралаев ........................................ 72
Буюк эпос ........................................ 73
Кучли бўлиб ўсаман ........................................ 74
Ибирай Туманов ........................................ 75
Оналаримиз байрами ........................................ 77
Онажоним байрами ........................................ 79
Наврўз байрами ........................................ 80
Кел наврўзим! ........................................ 82
Мусиқанинг бадий воситалари ........................................ 83
Баҳор фасли келди ........................................ 85
Овоз бўёқлари ........................................ 86
Бирга куйлайлик ........................................ 87
Тембр бўёқлари ........................................ 88
Айланайин, бепоён юртим ........................................ 92
Бошқотирма ........................................ 93

Ў к у в  н а ш р и

**М. Қасей, К. Шамбетова, А. Шакирова**

**МУСИҚА**

*Ўрта мактабларнинг*
*2-синфи учун дарслик*

Таржимон *С. Мирзақулов*
Консультант *Ю. Юзбашян*
Бадиий муҳаррири *Б. Жайчибеков*
Дизайнери *Д. Тимур*
Техника муҳаррири *Б. Тимуров*
Мусаҳҳиҳ *М. Жўраев*

Босишга кўл қўйилган 10.07.2012-й. Шакли 70X100 1/16.
Офсет коғози № 1. «Times» ҳарфи. Ҳажми 6,0 физ. б. т.
Нусхаси 10 000. Буюртма № 23

«Билим-компьютер» нашриёти
Бишкек ш., «Восток-5» кичи р-ни, 14/2

«Зангак-97» нашриёти
Ереван ш., Комитас пр. 49/2

Қирғизистон Давлат дипломатик сервиз
корхонасининг нашриётида нашр этилди
Бишкек ш., Тўктўгўл кўч. 196

ЫР

БИЙ

МАРШ